

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) ҳажми жорий нархларда 5 824,9 млрд. сўмни ташкил этди. ЯХМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 105,5 фоизни ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯХМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,3 фоиз, (ЯХМ таркибидаги улуши 46,4 фоиз), саноат – 105,0 фоиз (12,4 фоиз), қурилиш – 123,5 фоиз (9,4 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 106,7 фоиз (7,6 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,0 фоиз (4,5 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 104,8 фоиз (19,7 фоиз) ни ташкил қилди.

ЯХМ дефлятори индекси 2018 йилнинг январь-июнидаги нархларга нисбатан 120,7 фоизни ташкил этди.

(фоизда)



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 4 286,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 % га юқоридир.

**Ялпи ички (худудий) маҳсулот**  
2019 йил январь-июнь ҳолатига

	<i>ЯИМ (ЯҲМ)</i>		<i>Аҳоли экон бошига ЯИМ (ЯҲМ)</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсши суръатлари, %</i>	<i>минг сўм</i>	<i>ўсши суръатлари, %</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup></b>	<b>222 022,0</b>	<b>105,8</b>	<b>6 649,4</b>	<b>103,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	7 861,8	107,2	4 191,0	105,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	13 694,0	106,2	4 449,3	104,3
Бухоро	11 513,6	104,6	6 057,6	102,9
<b>Жиззах</b>	<b>5 824,9</b>	<b>105,5</b>	<b>4 286,5</b>	<b>103,3</b>
Қашқадарё	16 639,0	103,5	5 156,7	101,4
Навоий	15 069,0	103,3	15 329,6	101,5
Наманган	9 322,0	105,6	3 371,8	103,5
Самарқанд	15 383,6	105,6	4 031,3	103,4
Сурхондарё	10 101,3	103,5	3 911,9	101,2
Сирдарё	4 535,9	104,5	5 442,6	102,6
Тошкент	22 410,7	107,1	7 707,1	105,7
Фарғона	14 765,3	105,2	3 993,6	103,3
Хоразм	7 923,2	106,5	4 303,5	104,7
Тошкент ш.	31 935,3	107,2	12 651,6	105,1

<sup>1)</sup> Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.

2019 йил январь-июнь ҳолатига кўра ЯХМнинг юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида (107,2 фоиз), Тошкент вилоятида (107,1 фоиз), Хоразм вилоятида (106,5 фоиз), Андижон вилоятида (106,2 фоиз), кузатилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларининг республика даражасига (105,8 фоиз) нисбатан паст кўрсаткичлари Навоий ва Самарқанд (105,6 фоиз), Жиззах (105,5 фоиз), Фарғона (105,2 фоиз) вилоятларида кузатилди.

**2018 йилнинг январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича  
ЯХМнинг ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланган таркиби**

	Млрд. сўм	2018 йил январь- июнига нисбатан % да	ЯХМ ўсишидаги ҳиссаси, %
<b>ЯХМ - жами</b>	<b>5 824,9</b>	<b>105,5</b>	<b>5,5</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>5 514,0</b>	<b>105,3</b>	<b>5,2</b>
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 559,2	102,3	1,1
саноат	683,1	105,0	0,5
қурилиш	516,6	123,5	2,0
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	418,5	106,7	0,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	250,8	105,0	0,3
бошқа хизмат тармоқлари	1 085,9	104,8	0,8
<b>Маҳсулотларга соф солиқлар</b>	<b>310,9</b>	<b>109,7</b>	<b>0,3</b>

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми ЯХМ умумий ҳажмининг 94,7 % ини ташкил этди ва 5,3 % га ўсди (ЯХМ мутлоқ ўсишига таъсири 5,2 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг

ЯХМ таркибидаги улуши 5,3 % ни ташкил этди ва 9,7 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯХМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,3 ф.п.).

**2019 йил январь-июнь учун ЯХМ нинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари %да**




ЯХМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсир кўрсатди (1,6 ф.п.) ва бу соҳа ўтган йилнинг январь-июнига нисбатан 5,3 % га ўсди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 0,5 % га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 0,3 % га ва бошқа хизматлар – 0,8 % га ўсди.

2019 йилнинг январь-июнь якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ҳам 2,3 % даражасида ижобий ўсиш суръати кузатилди. Мазкур тармоқдаги ўсиш суръати ҳисобидан ЯХМ нинг 1,1 ф.п. ўсиши таъминланди.

Қурилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 23,5 % ни ташкил этди. ЯХМ нинг мутлоқ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 2,0 ф.п. даражасида баҳоланди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби**  
*январь-июнь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)*




2019 йилнинг январь – июнда ЯХМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 31,8 фоизни ташкил қилди, бу эса 2018 йилнинг январь – июнга нисбатан 1,1 пунктга кўпдир (30,7 фоиз). Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,3 пунктга ҳамда ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари эса 0,8 пунктга камайган лекин хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2,2 пунктга ўсди.


Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯХМ тармоқлари таркибидаги улуши 2019 йил январь – июнида – 7,6 % ни (2018 йил январь – июнидаги – 7,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 4,5 % ни (2018 йил январь – июнида – 5,3 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 19,7 % ни (2018 йил январь – июнида – 17,5 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2018 йил январь-июнь**



**2019 йил январь-июнь**



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар